

# “Тасдиқлайман”

Учқўрғон туман йўллардан  
фойдаланиш УК Директори

Х.Атаханов



Учқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар  
корхонасининг балансидаги АБЦ цехига зарур бўлган  
эхтиёт қисмларини сотиб олиш учун.

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи: Учқўрғон туман йўллардан фойдаланиш  
унитар корхонаси.**



IV. Танлов Учқўрғон туман йўллардан фойдаланиш УК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришда банк кафолотномаси ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги:

Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми ( 50% дан кам бўлмаган ҳолда):

Низом маблағи миқдори.

3.2 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фоалият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қуйидаги талабгорларга танлов Жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулкимуодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, моли ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бир қарамлиги мавжудлар.

### 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши лозим:

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талаблари ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак :

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар Техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)

4.5 Танлов иштирокчиси :

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5.Томонларнинг Жавобгарлиги**

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир.

Ғолиб иштирокчи деб топилган дан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6.Бошқа Шартлар**

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга ўзгартириши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслик керак.

6.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённамаси харид комиссиясининг барча аъзоларини томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш кунида имзоланади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни тақдим этилиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.